19697

ХЕВА ТЎЙИ САРПОЛАРИ

Хеванинг 2500 йиллик тўйига атаб чиқарилаётган махсус юбилей гиламларини тайёрлашда Германиядан келтирилган "Текстима" тўқув дастгоҳлари меҳнатни замон талаблари даражасида енгиллаштирмоқда. Тадбиркор Мақсуд Бойжонов ўзи ташкил этган "Мақсуд" хусусий корхонаси ишлаб чиқара бошлаган "Хева накши" гиламлари тўйга муносиб-туёна бўлади. Кичик корхона ёшларни иш билан таъминлашда ҳам ибрат бўлаяпти.

Рażно ҚУРБОННИЁЗОВА.

ЙИЛ ОЙ КУН 17 июнь

АНГЛИЯ МАОРИФИ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА

Англия ўқитувчиларининг таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаси Тошкентдаги Улуғбек номидаги халқаро мактабда қўл келмоқда. Яқинда бўлиб ўтган кириш имтиҳонларида шу мамлакат педагоглари қатнашди. Маҳаллий болалар билимини она тилида намойиш этишди. Улуғбек халқаро мактаби уч йил илгари очилган бўлиб, унда юздан зиёд бола таълим олмоқда. Ўқувчиларнинг бир қисми мамлакатимизда ишлаб турган дипломатларнинг фарзандлари-дир.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

БЕБАҲО ЯРИМ МИНГ КИТОБ

Ҳиндистон Республикасининг пойтахтимиздаги маданият марказида шу мамлакат мустақиллигининг ярим асрлик тўйига атаб тадбирлар ўтказиш бошланди. Дўст мамлакат ҳукумати Ўзбекистонга совға этиб юборган инглиз, ҳинд ва урду тилидаги 500 номдаги турли соҳаларга доир китоблар кўргазмаси очилиши маросими бўлди. Унда марказ раҳбари, олим Қамар Ранс мамлакатларимиз дўстлик алоқаларн ҳақида гапирди. Китоблар ўзбек мутахассислари мутолааси учун бебаҳо ҳазинадир.

Чарос ҒАНИЕВА.

ЙИЛ ОЙ КУН 17 июнь

БЕРУНИЙ ВОРИСЛАРИ

Наманган Давлат университетида Ал-Беруниийнинг муносиб ворислари вояга етмоқда. Ёш математикларнинг "Янги теоремалар-97" мавзусидаги республика илмий анжумани шу ерда ўтди. Илмий анжуманни университет ректори, физика-математика фанлари доктори Абдулла Аъзамов бошқарди. Анжуманда 43 та муҳим мавзудаги маърузалар тингланди.

Маҳмуджон ҚАРШИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 17 июнь, сешанба № 70 (22.154).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1992 йил 16-19 июнь — **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезияга ташрифи бошланди. Ўзбекистон ва Корея Республикалари Президентлари иккала давлат ўртасида «Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация»ни имзоладилар.**

1993 йил 17 июнь — **Президент Ислом Каримов «Форум фонд» иқтисодий ташкилотининг таклифига биноан халқаро анжуманда иштирок этиш учун Швейцарияга жўнаб кетди.**

1994 йил 16 июнь — **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.**

Мамлакат дон мустақиллиги йўлида

БУЛТУРГИДАН ЮЗ МИНГ ТОННА КЎП ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАНАДИ

Сурхондарёда жавзонинг тандирдай қизиб кетадиган кунлар бошланди. Барча туманларда ёппасига ғалла ўримига киришилди. Мазкур вилоятда бултур ғалла ўрими 57 кунга чўзилган эди. Бу йилги мўлжал шу муддатни тенг ярмига қисқартиришга қаратилган.

Комбайнлар етарли — 636 та. Шундан 30 таси «Кейс». Яқин икки-уч кунда яна 20 та «Кейс» келтирилади. Бир комбайн билан бир ойда 130 гектардаги ғаллани ўриб олишга эришилса бас, биз юқорида эслатган мўлжал нишонга теккан ҳисобланади.

Бугунги ишлар мароми ёмон эмас. Масалан, Жарқўрғондаги «Халқобод» жамоа хўжалиги давлатга 500 тонна буғдой сотиб, шартномани вилоятда биринчи бўлиб бажарди. Бултур гектаридан 7 центнерданми дон ҳосили олган хўжаликнинг бу йилги кўрсаткичи 40 центнерни қоралаб қолмоқда.

Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги бўлса, энг яхши ишлаган комбайнчига «Тико» автомашинасини мукофотга қўйди. (Машина нархининг учдан бир қисмини хўжалик тўлайди). Узун ҳамда Денов туманлари ғаллакорлари бўлса ҳосилдорликни 50 центнердан кам бўлмайди, деб турибдилар.

Гапнинг лўндаси шуки, ўтган йили сурхондарёликлар суғориладиган ернинг гектаридан 27,9 центнердан ғалла олишган. Бу йилги тахминий ҳисоб-китоб — 40 центнер. Демак, исрофгарчиликка йўл қўйилмасаю худо ўгрининг кўзини сўқир, қўлини қисқа қилса, воҳада бу йил бултургидан 100 минг тонна кўп буғдой етиштириш тайин.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«МАДЕСПА» ШАРБАТИ

Хўжаобод туманидаги консерва заводида «Мадеспа» Ўзбекистон — Мексика қўшма корхонаси барпо этилди. Бу ерда яқин орада пластик идишлар ишлаб чиқариш ҳамда унга табиий шарбатлар ва газли ичимликлар қуйишни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қўшма корхона озиқ-овқат саноатига керак бўладиган турли ёрлиқлар ҳам ишлаб чиқаради. Бунинг учун махсус босмахона ташкил этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 17 июнидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,41
1 Австрия шиллинги	5,07
1 Англия фунт стерлинги	101,06
10 Бельгия франки	17,27
1 Голландия гульдени	31,70
10 Греция драхмаси	2,25
1 Дания кронаси	9,36
1 БАА дирхами	16,82
1 АҚШ доллари	61,79
1 Миср фунти	18,25
1 Ирландия фунти	93,43
1 Исландия кронаси	0,88
10 Испания песети	4,22
100 Италия лираси	3,63
1 Канада доллари	44,75
1 Хитой юани	7,45
1 Қувайт динори	204,26
100 Ливан фунти	4,02
1 Малайзия рингги	24,56
1 Германия маркаси	35,64
1 Норвегия кронаси	8,51
1 Польша злотийси	19,04
10 Португалия эскудоси	3,52
1 Сингапур доллари	43,30
1000 Туркия лираси	0,42
1 Финляндия маркаси	11,87
1 Франция франки	10,55
1 Швеция кронаси	7,96
1 Швейцария франки	42,88
1 ЭКЮ	69,44
10 Жанубий Корея вони	0,70
10 Япония иенаси	5,42
1000 Россия рубли	10,69
1 Украина гривнаси	33,31
1000 Беларусь рубли	2,30
1 Эстония кронаси	4,88
1 Латвия лати	108,21
1 Литва лити	15,45
1 Қозоғистон тенгеси	0,82
1 Қирғизистон соми	3,56

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ **Буюк Британия ҳукумати Хитой раҳбариятини Гонконг ХХР таркибига ўтганидан кейин «эркин ва адолатли» сайлов ўтказишга чақирди. Буюк Британия ҳукумати вакили Баронесса Саймонс Гонконг бирлашган қироллик ва Пекин ўртасида дўстлик кўприги бўлиб қолажагини таъкидлади.**

***

☑ **Ирландия Президенти Мэри Робинсон хоним БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари этиб сайланди. Яқинда БМТ Бош котиби Кофи Аннан Робинсон хонимни мазкур мансабга сайлангани тўғрисидаги декретни имзолади. Унинг номзоди сентябрь ойида бўлиб ўтадиган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида расман тасдиқланади.**

***

☑ **Руминия ташқи ишлар вазири Адриан Северин ўзининг польшалик ҳамкасби Дариу Росати билан учрашди. Учрашувда минтақада барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Руминия оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари шу йилнинг октябрь ойида НАТО доирасида минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашга бағишланган Руминия-Польша-Украина конференциясини ўтказишга келишиб олган.**

***

☑ **Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) Жаҳон банкининг янги дастури доирасида Россияга 600 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди. 17 йил муддатга берилган ушбу қарз хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, банк тизимини такомиллаштириш ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига сарфланади.**



ҲУРЛИК НАШИДАСИ. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

Янги замон одами

ҒАЛАТИ ОРОЛ МАЛИКАСИ

(Фермер Фотима Салимованинг иш фаолиятидан лавҳалар)

Ўшанда Қипчоқравот қишлоғида шундай гап тарқалди:

— Фотима опани туманимиз газетида ғалати орол маликаси деб ёзишибди, уқидингларми?

— Умуман ғалати, деб ёзишган-да!

...Орадан уч йилча вақт ўтди. Лекин ўша гап одамлар тилида яқин-яқингача айланиб юрди.

— Фермага борамизу, лекин Фотима опадан гап олиш қийин-да. Узи ҳақида сўзлашни ёмон кўради у, — дейди ҳамроҳим, Каттақўрғон туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Гулнора Шаропова.

Сўнг у менга фермер аёл ҳақида гапириб берди. Мен эса у билан тезроқ учрашиб, суҳбатлашгим келарди. Биз «Фотима» хусусий чорвачилик фермаси томон йўл олдик. Кетаётиб, кўнглимдан кечди: «Феълимиз жуда қизиқда. Ҳаёт тарзимиз ҳам қолипдаги гиштга ўхшайди. Ишга бориб-келиш, пул топиш, болачақа, уй-жой ташвиши. Меҳмонга бориб, меҳмон кутиш, хуллас ҳар қадамимиз улчовда. Агар шу улчовлардан сал четга чиқсак борми, дарров ғалати деган ном оламиз. Худди Фотима опага ўхшаб...»

Айтишларича, Фотима Салимованинг уйлари «Қорадарё» жамоа хўжалиги фермасига ёндош экан. Узи ҳам шу ерда салкам ўттиз йил сут соғувчи бўлиб ишлаган. Ферма биров келиб, биров кетадиган жой. Ким қандай ишлаётгани кафтдагидай кўриниб туради. Айниқса, ферма раҳбарларининг ҳар қадами жамоадагиларнинг нигоҳида бўлади. Лекин, улар билан ким ҳисоблашиб ўтирарди, дейсиз? Ташмачилик, ўғрилик авж олгач, ферма «оқсаб» қолади, даромаддан барака кўтарилди. Моллар рамақижон бўлди.

Тасодифларда ҳам қонуният бор, деганлари рост. Чорва фермаларини хусусийлаштиришга йўл очилган кундаёқ опанинг дилидаги ният ҳам тилига кўчди. Биринчи бўлиб даъвогар бўлди. Қарз-қавола қилиб фермани сотиб олди. Хўш, энди «ўтириб қолган» фермани қандай оёққа турғазади? Чўп-устухон молларга емхашакни қаердан олади? Ишлаётган юздан ошиқ одамга қай тахлит маош тўлайди? Аслидаку, ҳар бир ишни бошлаш қийин-а, лекин бу фермани асл ҳолига келтириш икки ҳисса қийинроқ эди. Ўша йили ёзи билан даштмадашт юриб, пичан ўриб сотишди. Тўпланган пул жамоанинг каму-кўстига сарфланди. «Тарки одат-амри маҳол!». Фотима опа фермада талончилик ҳамон давом этаётганини пайқаб қолди. Узича бир тадбир қўллади. Эртаси куни эгнида костюм-шим, бошига телпак қўндириб, ярим тунда фермани айланиб юрган кишининг Фотима опа эканини сезмай қолган «ташмачи»лар қўлга тушиб қолаверди. Кейин улар биринкетин ишдан бўшатилди. Орадан кўп ўтмай, буткул бегона одамлар Фотима опанинг йўлини тўсишди,»тинч юр» деб қўрқитишди. «Тўққиз боламнинг уволидан қўрқмасанглар, майли. Лекин, тинч юролмайман» деди Фотима опа уларга. Шу воқеага ҳам йиллар бўлди...

***

— Айтганча, Фотима опани касалхонада ётибди. дейишувдику!

Шофёрнинг гапидан ҳаёлимиз бўлинди. Машина ферма дарвозаси ёнида тўхтади. «Ҳозир онамни чақираман» деди бизга пешвоз чиққан қизалоқ. «Ҳа, тузалиб чиқдиларми?» дедик бараварига. «Йўқ, — деди қизча секингина. — Кеча кечқурун баннисадан қочиб келдилар!»

— Ие, нега?!

— Битта сигиримиз кўзи ёрийдиган эди, шунга...

Ичкаридан Фотима опанинг ўзи чиқиб келди. Қорачадан келган, истараси иссиқ, чаққонгина аёл экан. Биз билан омонлаша туриб, бостирма ёнида бузоғини ялаб турган сигирга ишора қилди: — Бояқишнинг ҳар боласи қийин туғилади. Яхшиям вақтида кепман, шу кеча кўзи ёриди. Ҳамишагидай доялик қилдим. Аҳир туғуруқ ёмон утса, сигир ҳам, боласиям сўнгчалик ўзини ўнглолмайди.

Ҳамроҳим Гулнорахон жилмайди: — Қўрдингизми, опани ғалати аёл десам, ишонмовдингиз.

Мен эса ич-ичдан ҳавасланиб уйлардим: «Қанийди, ҳар биримизда шу аёлники сингари фидойи юрак бўлса!»

* * *

Фермани ферма қилишнинг ягона йўли озуқа базасини яратишда, деб билади Фотима опа. Кенгайтирилган ер майдонларидаги ем-хашак тўртта трактор ёрдамида пешма-пеш ўриб-йиғиб олинади. Уч йилдирки, бу ерда емхашак танқислиги сезилмайди. «Сигирнинг сути тилида» деб бежиз айтишмаган. Фермадаги қорамолларнинг 109 боши соғин сигирлар. Ҳар куни 800 литрга яқин сут соғиб олинади. Бу сут тумандаги 12 та боғча-яслиларга, қолгани Каттақўрғон сут заводига топширилади. Тушаётган соф фойда кунига 4-5 минг сўмни ташкил этади. Утган йил якунлари ҳисоблаб чиқилганда, ферма жамоасининг ялпи соф даромади 1 миллион сўмдан ошиқ бўлди. Қарийб эллик нафар чорвадорнинг бариси жонкуяр, ишини масъулият билан адо этади. Шунинг учун ҳам Фотима опа уларнинг барисидан маошни аямайди, туйнг туёқ сонини оширамиз, — дейди фермер аёл. — Янги ишчи ўринлари яратамиз. Ферма қошида ҳунармандлар устахонаси очмоқчимиз. 5 гектар жойга иссиқхона қуриш ниятимиз бор. Унда эртаги помидор ва бодринг етиштирамиз. Сутни қайта ишлаб, бир неча хил сут маҳсулотлари тайёрловчи кичик сут заводини ҳам шу йил ичида қуришни режалаяпмиз. Зарур маблағни тадбиркорлар палатасидан оламиз. Иссиқхонани эса исроиллик ишбилармонлар қуриб берадиган бўлишди.

Ҳамқишлоқлари Фотима опадан мамнун, «умридан барака топсин» дейишди. Кам даромадли оилаларни доимо қўллаб-қувватлаш, эл-юртнинг тўй-азасида бош бўлишни бу аёл ўзининг одатдаги юмуши ҳисоблайди. Узида тиниб-тинчимайди. Ҳаловат нелигин билмайди. Уй, ферма, туман марказию қишлоқма-қишлоқ пою-пиёда кезади. Куча-куйда унинг машина пойлаб турганини кўрган баъзи бировлар «Энг бой фермер була туриб, тагида машинаси йўқ. Жуда ғалати-да шу опа» деб ўтиб кетишади. Аслида инсон бошқаларга ўхшамаган феъли, бошқаларникига ўхшамаган қалби билан янада улуғвор кўринади. Фотима опа ўзига хос инсон. Табиатида сохталик йўқ, аксинча неки юмуш қилса аввал юрагидан ўтказади. Узига раво кўрмаганни ўзгаларга ҳам раво кўрмайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бу аёлни «ғалати» дейишар. Ахир фақат ўзинигина ўйлаб яшайдиганлар бор, орамизда. Мен шуни ўйласам, Фотима опага ҳавасим келади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Миллат ва маънавий тарбия

«ОНАНГ ОЙ ЁРУҒИ, ҚУЁШНИНГ НУРИ...»

Эркаклар оила устуни, миллатнинг ғуруридирлар. Икки таниқли шоира Шарифа Салимова ва Турсуной Содиқоваларнинг суҳбати оила сарбонлари бўлмиш эр кишиларга тутилган кўзгудир.

Ш. С.: — Турсуной опа, аёл руҳияти ҳақида кўп ёзилади, фикр айтилади, ҳатто унинг сирлари ҳам матбуот орқали таҳлил қилинади. Аммо Одам Ато зурёдлари — эркаклар дунёси доимо жумбоқлигича қолиб келади. Катта ижтимоий масалалар-у, оилага оид муаммоларда ҳам иложи борича уларни четлаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Ваҳоланки, оила деган «тўғон»нинг бошида эркаклар туриши сир эмас-ку...

Т. С.: — Биз, аёллар ўйлаймизки, тинкамизни қуритиб, бизни толиқтирадиган нарса гўё болалар заҳмати-ю, рўзғорнинг меҳнати. Яна тинмай ўзимизни ёмон кўрамиз — ҳеч нарсага улгуролмаяпман, деб ичэтимизни еймиз. Аммо аслида бундай эмас. Адолат билан айтганда, баджаҳл эрларни ювоштиришга, эпсиз эрларни қаторга қўшишга, ичувчи эрларга чидашга, енгилоёқ эрларнинг изтиробини тортишга кетган куч, ирода, шижоат бошқа бирор юмушга сарфланса анча-мунча ишлар рўёбга чиқарди. Битта эрни йўлга солишдан ўнта болани боқиш юз карра осон! Аёл кишини бола, рўзғор эмас, нобоп эр адо қилади! Аммо у буни ҳеч қандай изҳор қилмайди, юзига солмайди. Забунлашиб боришининг сабабчиси жуфти эканлигини ўйламаслиги мумкин ҳатто! Аёллардан чиққан шоиралардан бири менми? Бир китобимда дебман, гапимни қаранг: «Эрни фарзандларингизнинг энг эътибор талаби, энг инжиғи деб билинг. Агар уни аёли сифатида кечиролмасангиз онаси бўлиб кечиринг, отаси бўлиб кечириб қўйинг...»

Ш. С.: — Биз кўпинча ўтмишдаги боболаримиз билан фахрланишга ўрганиб қолдик. «Улар ана ундай бўлишган, улар мана бундай бўлишган, ҳатто жанг-жадалларда ҳам бир-бирлари билан шеър айтиб уришган», деб. Шу маънода, ўтмиш ва ҳозирнинг эркаги орасидаги тафовут кенгайиб кетмадими? Шундай бўлса, сиз уларни нималарда кўрасиз?

Т. С.: — Моҳларойимдай малика ҳам жуфтининг ҳатто ширакайф ҳолатда-да айтган гапини икки қилолмаган. Шарқнинг эркаклари бир сўзли, оилапарвар, аёлларига метиндай муҳофаза ўрнида бўлганлар. Ўз бурчларини қойиллатиб бажарганлари учун оилада жуда катта эътибор қозониб келганлар.

Ш. С.: — Дейлик, бир оилада ҳамма нарса бор: пул, амал, яхши ейиб-ичиш, кийиниш. Аммо, кўпинча четдан синчиклаб қараганимизда биз у ерда муҳим бир нарсани: бир оғиз ширин сўзни кўрмаймиз. Қозонтовоқдан тортиб, ойна деразаларигача миннат юкидан зириллаб туради: «Сенинг топганинг нима бўларди, аёлмисан, жим ўтир, мен бўлмасам баринг очдан ўласанлар», — деган таҳдидлар кунжида аёл қаноти қирқилган қушдек бир бурчакда жимгина бир умр ўтираверади. Шу бахтми, Турсуной опа?

Т. С.: — Ўша эркак ўлди ё оиласини ташлаб кетди, дейлик. Хўш, унинг кетидан ҳаёт тўхтаб қолармиди? Ё болалари қирилиб кетармиди усиз?! «Бандаси ўлмас — ризқи камимас» деган нақл бор. Пешонага никоҳнинг, рўзғорнинг битиши, фарзандли бўлиши, уларни уйлашга, жойлашга яраш, қодир бўлиш эркак етган энг буюк бахтдир! Оталикка етказсин ҳар бир йигитни! У эркак бир остонанинг подшоси бўлиб кириб-чиқиб туришга насиб этгани учун меҳробларга бош уриб, шукрона келтирсин!

Рўзғорда бахт деган қасрни вайрон қиладиган энг даҳшатли бомба — миннат! Олтин ковуш кийдириб, олтин товокда ош едиринг, лекин миннат аралашган заҳоти заҳарга айланади. Айниқса, «сени боқяпман», «сени уйлантириб қўйдим, фалон пулга тушдим» деб фарзандига миннат қилган ота — номарднинг номардидир!

Ота-она болани боқишга мажбур, бизни ҳам шундай боққанлар. Аллоҳнинг олдида ва бандасининг олдида ота-оналар бизга ўтказган қарзларни боламизга тўлаб узяпмиз, холос! Бу мардлик эмас, бу оддий ҳисоб-китоб! Аллоҳ бу бандаи ғофилларга оила, фарзанд ато этса-ю, у миннатга қўл урса! Худо қаҳрига олмасин, оқибатда шундай бўладики, болалар ундан узоқлашади. Нақ умрининг охирида бундайларнинг тўрт томонидан елвизак уриб, ёлғизликка маҳкум бўладилар.

Ш. С.: — Аёл — фарзанд яратади, рўзғор икир-чикирлари шу нозик жуссадан гўзаллик, умр, соғлиқ сўраб олади. Устига устак эрнинг кўнглини олиш. У соғми, хастами — фарқи йўқ, ҳаёт учун жавобгардай туюлади. Дейлик, ҳар куни ичиб келиб, хотинини дўппослайдиган эр, ноқобил фарзанд, нураб кетаётган соғлиқ... барибари учун у айбдор ҳисобланади. Ростини айтсак, жуда бешафқат бўлиб кетмадикми ХХ асрга келиб (эркаклар демоқчиман)?!

Т. С.: — Шўро ҳукумати кўзлаган мўлжалига етди: кўплаб эркакларни Ҳақ йўлидан чалғитди — ичкиликка ва фаҳшга мубтало қилди. Улар бешафқатликни аввало ўзларига қилдилар. Ки ҳар бир инсон Аллоҳнинг неъмати, бу неъматни ҳаромга аралаштирдилар. Киши арақни ҳеч қачон яхши ниятда ичмайди, камида мастлик баҳона кимнидир чаппараста қилиб сўкиб олиш мақсад бўлади...

Сурункали ичадиган ёки ора-орада ичса ҳам инсонлик қиёфасидан чиқиб кетадиган эркакнинг аёли дунёда бахтсизларнинг бахтсизидир. Бу эркак Она аталган неъматга озор бераётгани учун, онасининг калтак ейишидан қўрқиб, отасига кўзлари косасидан чиқай деб жавдираб турган гўдакларнинг жувонмарг болалиги олдида, оиладан кўтарилаётган файз, барака қошида у дунё, бу дунё гуноҳкордир. Бундай оилада туғилганки бола, минг афсуслар бўлсинки, эртага зараркунандадир. Боиси, у меҳр кўрмай ўсди, бировга меҳр кўрсатолмайди. У ҳақоратлар ичра улғайди, шу боис бировни осон сўкади, осон қойийди. У — аламзада, ўзи чеккан озорларнинг аламини кимдандир чиқариб олгиси келиб юради. Мана шундай фарзандга она бўлган аёлнинг фарёди эшитилгандай бўлади қулоғимга: «Сени туғмай мен ўлай, боламэ-э-эй!» Оҳ онаизор, воҳ онаси бадбахт, шунда ҳам «сен ўл» демайди-я...

Ш. С.: — Бугун менинг тушунчамда икки хил қиёс: Шарқ ва Ғарб эркаги маданияти. Улар биздан кўра кўпроқ аёлини аяйдигандай, севадигандай туюлади. Оилани муқаддасроқ деб биладигандай туюлади. Хонимларини сўрашингиз билан кўкрак чўнтагидан суратларини чиқариб, ўша заҳоти сиртдан таништирадилар. Фарзандларини ёнларида олиб юриб, кўҳна Шарқни таништирадилар. Мен бу меҳр замирида улуғ Нозим Ҳикматнинг қамоқдан туриб ўғлига ёзган мактубидаги: «Онанг ой ёруғи, қуёшнинг нури, мевалар ичинда хуштаъм олхўри», — деган севгисини ҳис қилгандай бўламан. Миллатга ғамхўрликни туйгандай бўламан. Аслида, Шарқ аёллари жуда катта муҳаббатга лойиқ аёллар эмасми?!

Т. С.: — Ички маданият чекинди биздан. Кўксига Аллоҳни жойлаган кишининг ёри Аллоҳ, маслаҳатчиси, йўл бошловчиси Аллоҳдир. Маънавияти бутун одам шу! Эркин Воҳидда шундай сатрлар бор эди: ***«Иймон деймизми, виждон деймизми, ҳар кимнинг кўксида худоси бўлсин».***

Сиз айтган Ғарбнинг эркакларида ўша ички маънавият мавжуд. Ғарбдаги ахлоқ мезонлари ўзингизга маълум. Агар у эркаклар бизнинг аёллардаги шарму ҳаёни, жуфтга содиқликни, орият ва меҳнаткашликни ўзларининг аёлларида учратсалар, юраклари ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас!

Доно, адолатли ва уддабурон эрнинг садағаси-ю, қули бўлиб ўтсак, минг ризолик эди! Гоҳи (гоҳи эмас, кўпинча!) изи тўла хато, сўзи тўла хато-ю «мен эрманми, тўғри десам ҳам, нотўғри десам ҳам айтганимни қиласан» — деб ғуддайишларига нима дейсиз?

Рўзғор — муқаддас даргоҳ. Унга махсус тараддуд кўрмай яқинлашиб бўлмайди. Эр-хотиннинг бир-биридан андак кўнгли қолдими, тамом, оилада синиш бошланади. Бизни доим бир ғофиллик банди қилади: турмуш қурган заҳоти эр аёлини, аёли эрини энди ўз-ўзимники бўлди, деб хотиржам тортади. Аксинча, шу кундан бошлаб хавотир бошланиши керак. Гап шундаки, киши кишига яқин бўлган сари олдин кўринмаган камчиликлар сезила бошлайди. Бир-биридан совиш содир бўлмаслиги учун доно эр-хотинлар бутун умр давомида ўз кам-кўстларини тузатиш ва жуфтига ёқиб олиш учун тинимсиз ҳаракат қилиб яшайдилар.

Эридан кўнгли тўлмаган аёл-ку армонларини кўксига кўмиб, туғилиб қолган «фалончизодалар» ҳаққи, тошдай андишага тишини ботириб индамай яшаб бораверади. Аммо хотиндан кўнгли қолган эрнинг аксарияти — хатарли! Чаппа қадам ташлашга ҳамиша фурсат ва қулайлик кутиб яшайди.

Эр тутиш ва аёл асраш ҳам санъатдир. Ким бу санъатдан бехабар бўлса ва ё хабардор бўлишни истамаса, бу рўзғорда ёруғ кун бўлмас. «Ёш ва гўзал маҳбуба» топган эркаклар хусусига келсак, асосий айбни мен эркакка эмас, ўша «маҳбубалар»га қўйган бўлардим. Эркак чандон суюқ бўлсин, иштиёқи чандон баланд бўлсин, аёл киши изин бермаса, эркак ниятига етолмайди.

Бировларнинг эрларини йўлдан ураётганлар ҳақида: уларни ҳаргиз қарғашнинг ва қасд билан боплаб қўйишнинг ҳожати йўқ. Улар Аллоҳни танимасалар ҳам, гуноҳ эканини билиб туриб гуноҳ қиладилар. Ўзларининг номлари Хиёнат эканини ҳар дақиқада ёдлаб турадилар! Шу аҳволда улар яйрайди дейсизми! Сиртдан ялтираб кўринишади, ҳолос. Эр ижара, кувонч ижара, у одам қиёфасини ҳам ижарага олган, аслида махлуқ. Шўрликнинг на у дунёлиги бор, на бу дунёлиги бор!

Эркак нечун бошқа чорбоққа мўралаб қолди? Ғазаб отига минишдан аввал бу ҳодисанинг сабабларини излаб кўриш лозим. Меҳнаткаш аёл бўлиш, пазанда ёки чиройли аёл бўлиш кифоя эмас, эр-хотиннинг бир-бирига берадиган кайфияти, кўчадан топиб бўлмайдиган гапи, кўнгилпарварлиги бўлиши керак.

Яна бир гапки, «бер-санг ейман, урсанг ўламан» дейдиган ройиш, керагидан ортиқ кечиримли аёл ва шу хилдаги эркак билан ҳам яшашнинг қизиғи йўқ. Ўрни келганда ориятни ҳимоя қилишни, хафа бўлишни ҳам билиш даркор.

Эру аёл муомаласида ҳамиша ҳисоб-китоб зарур. Кўчада, ишда, жамоада унча-мунча эҳтиётсизликка йўл қўйиш мумкиндир, аммо энг нозик муомала уйда бўлиши шарт! Миллатнинг келажаги кўчада эмас, асосан оилада шаклланади. Инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ҳам, қадрини тиклаш ҳам дастлаб оилада содир бўлади. Шу боис ҳар юмушдан аввал миллат боласини оилага тайёрлаш керак!

Баъзи эркакларга тегишли яна бир ишга доғ қоламан. Ислом динига кенг йўл очилгандан кейин қўшхотинлик деган нарса сезиларли кўпайди. Аммо шу ишни содир этаётганларнинг ўзи исломдан узоқ одамлардир. Агар бу муқаддас диндан бохабар бўлсалар, нега у илмда битилган дилдорлик ҳақидаги, фарзанд олдидаги қарз, никоҳ олдидаги бурч, эрлик масъулияти ва ҳалол-ҳаром ҳақидаги ақидаларни кўрмай, ўқимай фақат «Мусулмончиликда тўрт марта уйланиш мумкин» деган жойини ушлаб олади?! Нега айнан шу жойи маъқул уларга, мусулмончиликни бошқа ҳамма жиҳатидан юз ўгириш мумкин-у, нега фақат шунисига амал қилиш керак?!

Ш. С.: — Турсуной опа, нима деб ўйлайсиз? Ҳазрат Бобур ёзганларидек:

«Сен эй, гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Оёғингга тушиб барги хазондек неча ёлбордим...»

Шундай шоирона, гўзал муҳаббат бизга — авлодларимизга — Одам Ато зурриёдларига яна қайтармикан?

Т. С.: — Аввало, Шарифабону, биз, аёллар, шоир айтган ўша «сарвдай саркашлигу ошиқларни хазондай тўкилтирадиган виқор, сирлилик, хумори ўртайдиган феълу фазлни ўзимизда қайта тиклай олсак, шундай ёлборишлар яна содир бўлар эҳтимол...

Қолаверса, буюк муҳаббат ҳамиша бўлиб келган. Мумкинки, бугунги эркаклар изҳорда ожиздирлар балки:..

Ва яна қолаверса, гоҳ тўлишиб, гоҳ қунишиб турадиган бу бевафо дунёнинг армонларини ювиб тургани Аллоҳим шоир деган муборак зотларни яратмиш. Мана Сиз ҳазрати Бобурдан байт келтириб кўнгил ёздингиз. Мен эса улуғ Навоийнинг:

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзунг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин — боштин аёғинг яхши.

сатрларини ҳар бир эслаганимда менинг тоифадошим мана шундай латиф мурожаатларга сазовор бўлган, дея юпанч топаман, томирларим яйрайди.

Ш. С.: — Ва ниҳоят: эркакларимизга айтар тилакларингиз.

Т. С.: — Уларнинг елкаларини кафтларим билан зиёрат қилиб, кўзимга сурта-сурта тилайман: Аллоҳим, бу тоифанинг яхшиси-ю, ёмонини омон-омон асраб бер, у ёғига биз камарбаста...

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР ТОКАЙГАЧА?

Биз — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли жамоа ширкат хўжалиги томонидан 1992 йили якка тартибда уй қуриш учун ер участкаси олган эдик. Ўша йили ушбу жамоа хўжалиги ҳисобидан 137 оилага ер участкаси берилди. Орадан мана беш йилга яқин вақт ўтди, кўпчилик оилалар уй-жой қуриб яшашяпти. Кўчиб чиққан оилалар биргалашиб, ҳамжиҳат кўчаларга шағал тўктирдик, ариқлар қазиб, сув келтирдик, ўзимиз учун анчагина шароитлар яратиб олдик. Ҳозир бизни энг қийнаган нарса электр токи масаласидир. Ҳозиргача кўчаларимиз электрлаштирилмаган. 1995 йил июль ойида биз электрлаштириш ишларига ёрдам сўраб шу жамоа-ширкат хўжалиги раҳбари Б.Эшдавлатовга, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонаси директори А.Болтаевга, Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш.Алланазаровга мурожаат қилдик. Улар бизни фақат қуруқ ваъдалар билан алдашди. Шундан кейин биз вилоят ҳокимлигига хат орқали мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Вилоят ҳокимлигидан комиссия келиб, шароитимизни жойида ўрганиб тез ва ёппасига электрлаштириш ишлари бажарилади, деб бизни ишонтириб кетишди. Орадан мана 2 йил вақт ўтди-ю, бирорта иш қилинмади. Шу йил бошида биз яна вилоят ҳокимлигига хат билан мурожаат қилдик. У ердан уйларимизни электрлаштиришни 1997 йилнинг иккинчи чорагида тўлиқ бажарилади, деган жавоб олдик. Лекин бу муддат ҳам ўтиб бўлди: бирорта иш бажарилгани йўқ ... Кимга мурожаат қилиб, кимдан ёрдам сўрашни ҳам билмай қолдик. Кўчиб чиққанларнинг кўпчилигини ёш болалари бор оилалар ташкил қилади.

Т. ИСМОИЛОВ.

ТУТУРУҚСИЗ КЎРСАТУВЛАР ЖОНГА ТЕГДИ

Шу йил 31 май куни кеч соат 17.20 да ОРТ телеканали орқали «В мире животных» —ҳайвонот оламида кўрсатилиши керак эди. Биз бу кўрсатувни орзиқиб кутардик. Афсуски, ОРТ каналига Андижон телекўрсатувлари чиқиб олиб, фонтанлар, йўл қатнови, янги уйлар ва қайта-қайта эшитилган ашулаларни намойиш қилаверди. Буни қандай тушунмоқ керак?

Кунларнинг бирида нуфузли футбол командаларининг ўйинини экранга узатиш соат 17 га белгиланган эди. Фарғона телевидениеси бу ўйин ўрнига ўзининг тутуруқсиз кўрсатувини намойиш этди. Андижон ва Фарғона вилояти телестудияларининг бу иши ўтакетган одобсизлик ва ўзбошимчаликдир.

Бу номаъқул ишни тартибга солиб қўядиган мутасадди ўртоқлар бордир?

Нуриддин МУҲИДДИНОВ,
Уйчи туманидаги 4-ўрта мактабнинг биринчи тоифали методист ўқитувчиси.

КЎЗЛАРГА НУР БАХШ ЭТИБ...

Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўзларининг фидокорона меҳнати, ўз касбига меҳри билан бошқалардан ажралиб туради. Уларни эл ҳамиша ҳурмат билан тилга олади. Фарзандларининг шундай юртпарвар, одамохун бўлишини истайди. Яқинда Навоий вилояти кўз касалликлари шифохонасига борганимизда ана шундай меҳнатсевар, жонкуяр фидойи шифокор — Ўткир Мавлонов билан танишиб қолдик.

—Мен шифохонага келганимда ўнг кўзим кўриш қобилиятини йўқотганди. Кўзим оғриганда кампирларнинг гапига кириб ялпиз боғладим. Ялпизнинг суви кўзнинг тўр пардасини тешган экан. Анча қийналдим. Худога шукур, Ўткир Мавлоновнинг жарроҳлик муолажасидан сўнг ёруғ дунёни қайтадан кўриш бахтига муяссар бўлдим.

Бундай дил сўзларини учқудуқлик И.В.Шельцин, хатирчилик К.Эшмуродов, Б.Нарзиқулов, қизилтепалик С.Ғиёсовдек дардига даво топганлардан ҳам эшитдик.

Авваллари сунъий гавҳар фақатгина Одесса, Москва, Киев, Тошкент клиникаларида қўйилган бўлса, 1994 йилдан бошлаб Навоий вилояти кўз касалликлари шифохонасида ҳам қўйила бошланди. Ўткиржонни айтишича, сунъий гавҳар тушадиган нурни тўплаб беради.

Ўткиржоннинг ўз олдига қўйган мақсадлари, орзулари кўп. Биз унинг беморларга кўришдек бахт улашаётган ишларига омад тиладик. Инсонлар бахтига омон бўлинг дедик.

Жумабой НУРУЛЛАЕВ,
Навоий вилояти.

«ШАКАР» ЗАҲАР БЎЛИБ ЧИҚДИ...

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Машариф эрталаб ишга кетиш учун уйидан чиқдию, машина гаражи олдида ётган бир парча қоғозга ногаҳон кўзи тушди. Дафтар вараги негадир атайлаб ташлаб қўйилгандай туюлди. Қизиқиб қўлига олди. «Нотаниш жўралари» томонидан ташланган «салом хат»да қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Машариф, яхши юрибмисан? Асосий масалага ўтсак: бизга 100 минг сўм пул берасан. Пулни эртага — 8 март куни соат эрталабки 11.00 да консерва заводи ёнидаги электр қутиси ичига оқ матога ўраб ташлайсан. Агар бировга ёки милицияга «чурқ» этиб оғиз очсанг, биздан ўпкалама!»

Уй эгаси «салом хат»ни ўқидию, ҳеч иккиланмай ички ишлар бўлимига келди...

И. Дўсов номли жамоа хўжалиги консерва заводи ишчиси Шермат Нурматов 9 март куни негадир безовта кўринарди. Гарчи дам олиш куни эканлигини билса-да, ишга борди. Заводни бир айланиб чиқди. Соқчи Рустамдан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Рустамнинг савол беришини кутмасдан «баҳона» топган бўлди: «Бугун иш куни деб ўйлабман. Ишчилар келишмапти. Бориб тушлик қилиб келай».

«Мен ҳам тушлик қилиб келаман» деб Рустам унга ҳамроҳлик таклиф қилди. Соқчи дарвозани бекитди. Ташқарига чиқишди. Шермат атрофга олазарак қараркан, бирдан кўзи электр қутиси томонга «тушди». «Бу ерда машинанинг излари кўринадими?» ёлғондан ўсмоқлади у. «Билмадим, ҳисобчилардан бирортаси вақти келиб кетгандир?» деди ҳеч нарсадан хабарсиз соқчи.

«И-е, электр қутиси очилиб қолибдими?» Шермат «янгилик топган» бўлди. «Ким билади, болалар уйнагандир, ҳозир ёпаман» деб Рустам электр қутиси томонга юраётганди, Шермат ҳаяжондан деярли қичқириб юборди: «Тўхта, кеча бу ерга шакар яшириб қўйгандим. Шуни олай».

Рустам қутини маҳкамлади. Иккови йўлга тушишди. «Қуйнидаги «оқ мато»нинг кучидан Шермат қанчалик қувват олиб, учиб бораётганини тасаввур қилиш қийин эмасди. Аммо...

...Ҳали бир неча қадам юришмасдан орқа томондан кимдир чақирди: «Тўхта, бу ёққа кел!»

Ҳайратдан лол қолган Рустамнинг кўз ўнгида Шермат бир сапчиб тушди ва орқа-олдига қарамай қочишга тушди. Қочиб бораркан, қўйнида авайлаб ушлаган оқ матони ва унга ўралган «шакар»ни отиб юборди. Лекин, узоққа боролмади. У Рустамни «шакар» деб алдагани — ички ишлар ходимлари томонидан тайёрланган сохта пуллар эди.

Бир кунда бойиб кетишни орзу қилган Шермат шу тахлит товламачилик устида қўлга олинди.

Йигирма бир яшар йигит, тузуккина касби бўлган Шерматбойнинг хориж киноларидаги каби рэкетчилик орзуси ушалмади. Текин «шакар» заҳар бўлиб чиқди. У Хонқа туман суди томонидан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Жуманазар ОТАНАЗАРОВ,
Боғот туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.

РИВОЖЛАНАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Озарбойжон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи олдидан

Мустақил Ватанимизнинг хорижий давлатлар билан маданий-иқтисодий алоқалари тобора равнақ топиб бораётир. Биз Озарбойжон Республикаси билан қадимий ҳамкорлик анъаналарига эгамиз. Журналист Хайрулло Нуриддинов Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Айдин Азимбеков билан учрашиб, Озарбойжон — Ўзбекистон дўстлик ришталари хусусида суҳбатлашди.

— ***Жаноб элчи, Озарбойжон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик хусусида тўхталиб ўтсангиз.***

— Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари қадим ўтмишга бориб тақалади. Республикаларимиз мустақилликка эришгач, бу ҳамкорлик янгича тус олди.

Айниқса,бу алоқалар равнақида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилнинг май ойида Озарбойжонга қилган расмий сафари катта аҳамият касб этди. Имзоланган муҳим ҳужжатлар, икки томонлама манфаатли ҳамкорликка қаратилган шартномалар самараси яққол сезилмоқда. Икки давлат ўртасида маҳсулотлар айирбошлаш ҳажми ҳам йил сайин кенгаймоқда. Бугунги кунда Боку ва Тошкентда озиқ-овқат, кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Давлатларимиз ўртасида илм-фан, таълим, тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларининг тобора кенгайиб бораётганини таъкидлашни истардим.

— ***Ўзбекистон ва Озарбойжонни боғлаб турувчи яна бир муҳим ҳамкорлик лойиҳаси-темир йўл алоқалари борасидаги амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчийдик.***

— Давлатлараро келишувга биноан Марказий Осиё, Кавказ, Европа минтақаларини туташтирувчи Транскавказ темир йўл магистралининг биринчи навбати ишга туширилгани давлатларимиз ҳамкорлигини яна бир босқич юқорига кўтарди, десам янглишмайман.

Бу магистрал Марказий Осиё давлатлари ва Кавказ минтақаси учун ҳам ниҳоятда муҳим лойиҳа бўлиб, бу темир йўл орқали юздан ортиқ турдаги маҳсулот ва товарлар ташиб ўтилмоқда. Шунингдек, бу темир йўл Ўзбекистонни Озарбойжон ва Европа билан боғлаб турувчи забардаст кўприк вазифасини ўтаётир. Умуман олганда, Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг савдо-сотиқ, иқтисодий, маданий алоқалари ривожидан ҳар икки томон бирдек манфаатдордир.

Ишонч билан айтишим мумкинки, бу алоқаларни янада чуқурлаштириш учун ҳар икки томоннинг имкониятлари жуда каттадир.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ёпиқ мажлисида Афғонистондаги воқеаларга доир масала кўрилди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Афғонистон можароси ҳақида сўзлар экан, мазкур муаммо фақат тинч музокаралар йўли билан ҳал этилиши мумкинлигини таъкидлади.

Мажлисда Норберт Холл бошчилик қилаётган Афғонистондаги махсус БМТ миссиясининг мамлакатда коалицион ҳукумат тузиш борасида олиб бораётган ишлари муҳокама қилинди.

* * *

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Болгарияда шу йилнинг 22 июнидан 5 июлига қадар НАТОнинг «Кооперейтив партнер-97» номли ҳарбий-денгиз машқлари ўтказилади. Унда НАТОга аъзо беш давлат — Франция, Греция, Италия, Туркия ва АҚШ ҳарбий денгиз кучлари вакиллари, НАТОнинг Урта Ер денгизидаги жанговар кемалари, шунингдек, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо мамлакатлар денгизчилари иштирок этади. Ҳарбий машқлар давомида денгизда тинчлик ўрнатиш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳамда иштирокчи мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифалари мувофиқлаштириб олинади.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Истанбулда саккиз йирик Ислом давлат раҳбарларининг олий даражадаги йиғилиши бошланди. Унда Бангладеш, Миср, Индонезия, Эрон, Нигерия, Малайзия, Покистон ва Туркия давлат раҳбарлари иштирок этмоқда.

Учрашувда қашшоқликни бартараф этиш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, илм-фан ва телекоммуникация соҳаларида яқин-дан ҳамкорлик борасидаги масалалар муҳокама қилинади.

* * *

Австралиялик олимлар тиббиёт оламида ўзига хос кашфиёт яратдилар. Профессор Брюс Корнелл бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар қонни текшириш орқали бирикки дақиқада тиббиёт фанига маълум барча касалликларни аниқлайдиган ускуна яратдилар. Кашфиёт муаллифларининг фикрича, мазкур ускуна ўта сезгир бўлиб, у қон гуруҳи, унинг таркибидаги бактерия, вирус ва электролит миқдорини аниқ кўрсатади.

***

АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарши «Стингер» русумидаги энг замонавий ракеталарини Жанубий Кореяга сота бошлади.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Москванинг 850 йиллиги арафасида пойтахтда битта ҳам суюқ оёқ қолмайди, дея ёзади Британиянинг «Санди Таймс» газетаси. Москва мэри Юрий Лужков пойтахт меҳмонлари ва шаҳарликларга байрам арафасида шундай «совға» тайёрламоқчи. Юрий Лужков мамлакат президентлигига ўзидан муносиброқ номзод йўқлигига бутун Россияни ишонтиргач, Москва кўчаларида тунда ҳам ҳаёт оқими осуда давом этаверади.

***

Ирландиялик, XX асрнинг йирик модернист ёзувчиси Жеймс Жойс ижоди тадқиқотчилари машҳур «Улисс» романидан адибнинг ўзи ўқиган ва магнит тасмасига ёзиб олинган бир парчани топиб олдилар, дея маълумот беради «Дейди-телеграф газетаси. Роман матнини тасмага ёзиб олиш нияти асар ёзиб бўлингач, орадан бир неча йил ўтиб ёзувчида пайдо бўлган. Қизиғи, ёзувчи романдан парчани қўпол ирланд шевасида ўқиган. Олимлар, ёзувчи бу билан ўзининг халққа яқинлигини қўрсатмоқчи бўлган, дея изоҳламоқдалар.

***

«Кристан Сайекс Монитор» газетасининг ёзишича, америкалик ўсмирлар кейинги вақтда кофеинни афзал билмоқдалар. 90-йилларнинг бошларида ўсмирларнинг кофеинга ружу қўйиши қўллаб-қувватланган эди. Алкоголдан кўра кофеин афзал саналарди. 90-йиллар сўнгтида вазият ўзгарди. Психологларнинг фикрича, америкалик ёшлар учун кофеин алкогол ва тамакига ружу қўймасликнинг ягона йўлидир.



ЁЗ ОҚШОМЛАРИ.

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ олган сурат.

БУ САФСАТА ЭМАС

Конго пойтахти Браззавилдан ўн нафар Америка фуқароси Франция ҳарбий самолётида эвакуация қилинди. АҚШнинг яна тўрт фуқароси халқаро Қизил Хоч ташкилоти кўмаги билан Конгодан чиқиб кетишга муваффақ бўлди. АҚШ элчихонасининг 15 нафар хизматчиси эса Конгода французлар назорат қилиб турган аэропорт ҳудудидан бошпана топган.

***

Ганти Республикаси Бош вазири Росни Смарт истеъфога чиқишини маълум қилди. Чунки миллий ассамблеянинг собиқ президенти Жан Бертран Аристидга содиқ аъзолари уни ими-жимида эгаллаб турган лавозимидан четлатиш режасини тузишган.

***

Хитой мамлакат ҳарбий кучлари қудратини ошириш учун АҚШдан суперкомпьютерлар сотиб ола бошлади. Бу компьютерлар бир секундда 2 мингдан 7 мингача бўлган операцияларни бажариш қувватига эга.

***

Бутун жаҳон банки тармоғига кирувчи халқаро Молия корпорацияси Хорватияга 13 миллион доллар маблағ ажратган. АҚШ бунга қарши эмаслигини маълум қилди. Бунга Хорватия Президенти Франьо Тужман олиб бораётган сиёсий йўл бош омил бўлган.

***

Россия ички ишлар вазирлигининг автокроссчилар жамоаси Италияда бўлиб ўтадиган полициячилар автопойгасида иштирок этади. Автопойга 17-20 июнь кунлари Термено шаҳрида бўлиб ўтади.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

БИРИНИНГ ҚЎЛИ УЗУН, БИРИНИНГ ЭСА...

Люксембургнинг Эш шаҳрида яшовчи Габи Меллендорф аслида гимнастикачи. Ўзининг устида қаттиқ ишлайди. Тинмай рақс тушгани-тушган. Бироқ эндиликда унга қийин бўлиб қолди. Негаки, ишониш қийин бўлган воқеа юз берди, яъни ўнг оёғи ўз-ўзидан чап оёғига нисбатан анча ўсиб кетди. Шифокорлар бу қизни тиббий кўрикдан ўтказишгач, шуни аниқладиларки, Габининг ўнг оёғи иккинчисидан 6 сантиметр узун экан.

— Иккала оёғим ҳам бинойидек эди, лекин кейинги 4 ой ичида ўзгарди-қолди, — дейди Габи.

Қизиғи шундаки, Габининг укаси ҳам, шундай «касалликка йўлиққан. Унинг чап қўли тез ўсиб бормоқда.

Опа-уканинг оёқ ва қўли кунига ўртача 1,5 сантиметрдан ўсяпти. Шунинг учун ҳам мана 4 ойдирки, иккови дўхтирлар назоратида. Аммо ҳозирча ҳеч ким қўл ва оёқ ўсишини тўхтатиш ў ёқда турсин, ҳатто ўсишини секинлаштиролгани ҳам йўқ, ожизлик қилишмоқда, деб ёзибди Люксембургда чиқадиган газеталарда.

САТУРН ЙЎЛДОШИ ЎРГАНИЛАДИ

Коинот кенгликларини ўрганиш бўйича Европа агентлиги шу йил октябрь ойида Сатурн сайёрасининг йўлдошларидан бири бўлмиш Титан орбитасига фазовий кема учиришмоқчи. Бу кема Титан шароитини, иқлимини, қисқаси шу каби бирча маълумотларни ўрганади ва ерга узатади.

Ҳозир Титаннинг тахминий жонзотларига ерликлар томонидан жўнатилган миллионга яқин радиотўлқинлар компьютер дискида тўпланган. Қизиғи шундаки, бу жўнатмалар орасида реклама эълонларига ўхшаган чақириқлар ҳам бор, яъни уларни ерга чақириш ва АҚШнинг эллик биринчи штати сифатида Америка таркибига кириш, чидаб бўлмас ҳароратда қандай яшаяпсизлар, деган мазмунда ҳам жўнатмалар бор. Бироқ бу тўлқинларнинг бирортасига ҳали жавоб келмаган.

ИСТЕЪДОД ҲАМ ТУҒМА БЎЛАДИ

Ҳа, худди шундай. Қуйида саналган болаларни фақат туғма истеъдод дейиш мумкин.

Американинг Балтимор шаҳрида яшовчи Жермин Гардинер 13 ойлигидаёқ фортепиано чалишни ўрганган. Бир йилдан сўнг Бетховеннинг деярли барча асарларини чалолган. Уч йилдан кейин эса ўзи мусиқалар ёзган. Шунинг учун ҳам унинг номи «Гиннеснинг рекордлар китоби»га тиркалган. Находкалик Люба Акимова 4 ёшлигида ўзи чизган расмлари билан халқаро кўргазмада қатнашди. Туркиялик Бедри Дакама ҳам уч ёшлигидан расм чизган ва 7 ёшга етганда чизган расмларининг сони 6 мингта бўлган. Донецклик Настя Федоренко эса уч ёшида фотоаппаратда суратга олиб ишлашни билган. Унинг суратлари Германия ва АҚШда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада муваффақиятли ўрин олган. Англиялик ўқувчи Марк Рэдон 2,5 ёшиданоқ китобни шарилатиб ўқиган. 3 ёшида механик ва электр двигателларни бузиб қайта тиклай олган ва компьютерни яхши билган. Мадраслик 9 ёшли Васудеван атиги бир неча сония ичидаёқ ўта мураккаб сонларнинг илдиз ва даражаларини мияда ишлаб ташлайди. Австриянинг Дарвин шаҳрида яшовчи 11 ёшли Алиса Стронг ҳам худди шундай қобилиятга эга. Бу нимадан? Туғма қобилият мияда қандай шаклланиши мумкин? Ҳозирги фан, ҳозирги тараққиёт бу саволларга ҳали жавоб бера олмаяпти.

«ОДАМ ОВЛАГАН» БАЛИҚЧИ

Исландия. Шимолий Атлантикада Исландиянинг балиқчилик саноатининг кўпгина компаниялари иш кўради. Арни Гисласон шундай компаниялардан бирида баҳоли қудрат балиқчилигини қилиб юрарди. Кейинги пайтларда унинг иши беш, кетма-кет ови бароридан келиб турганди. Афсуски, ов доимо шундай авжида бўлавермас экан.

Арни Гисласон одатдагидек анча овлоқ жойда тўр ташлаб, ўлжасини пойларди. Тўрни тортганда аввалига «ўлжа»сининг катталигидан «саккиз оёқ илинди шекилли» деб хаёл қилди. Кейин эса тўрдаги «одам»ни кўриб қўрқувдан ўтакаси ёрилаёзди. У тезда бу фожиали воқеани Рейкьявик ҳукумати вакилларига хабар қилди.

Аниқланишича, мурда бундан бир неча кун олдин ўз қайиғида овга чиқиб, бедарак йўқолган балиқчи экан.

Арни Гисласонни репортёрлар сўроққа тутганда: «Фақат шуни аниқ биламанки, ўша мудҳиш ҳодиса ҳаётимдаги энг даҳшатлисидир» дейди. Ўзи эса бу ҳақда бошқа гапиришни истамайди. Репортёрлар бўлса Арнини «Одам овлаган балиқчи» деб ёзишяпти.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Турфа олам, турфа одам

ҒАЛАТИ «АЖРАЛИШ»

Америкалик машҳур киноактриса Элизабет Тэйлор ҳамда унинг турмуш ўртоғи Лэрри Фортенски эндиликда алоҳида яшайдиган бўлдилар. Элизабет хоним оддий қурувчи бўлган турмуш ўртоғи Л. Фортенски билан шифохонада, яъни алкоголизмга қарши даволанаётган вақтида танишган эди. Улар 1989 йилда никоҳдан ўтишди. Мусиқа «қироли» Майкл Жексоннинг Калифорниядаги ҳашаматли вилласида дабдабали базм кечаси ўтказилди. Энди эса... Актриса адвокатининг айтишича, энг муҳими ажралувчилар ўртасидаги дўстона муносабат сақланиб қолади. Бунинг сабаби Элизабет хоним «руҳан рағбатлантириш учун» собиқ турмуш ўртоғига маълум миқдорда маблағ тўлайди. Лекин, ажралиш қанчалар қимматга тушиши ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

ДОВУЛНИ АНИҚЛАЙДИГАН КОМПЬЮТЕР

Исроилнинг «Хайф технион» денгиз муҳандислари институтида довулни олдиндан айтиб берадиган янги компьютер тизими ишлаб чиқилди. Институт директори, профессор Михаил Штястканинг сўзларига қараганда, бу тизим фан оламида муҳим кашфиётдир. У обҳаво ҳолати ҳақида аниқ ахборот келадиган метерологик тармоқ билан бевосита боғланган. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур компьютер денгизда рўй берадиган хавфли довул ҳақида 48 соат олдин хабар беради.

ҒАЙИРЛИК

ёки аламзада мухбир ва қитмир қалам ҳақида

Журналистлар орасида ҳеч қаерда ёзилмаган, аммо, ҳамма сўзсиз амал қиладиган қоида бор. Мухбир ҳеч қачон шахсий ғаразини матбуотга олиб чиқмаслиги, қаламдан алам йўлида фойдаланмаслиги керак. Бу нарса журналист этикасига тўғри келмайди.

Афсуски, айрим ҳамкасбларимиз қаламни ўч олиш қуроли сифатида ишлатиб, шу йўл билан ўзгаларни ўзларига тобе қилмоқчи бўладилар. Уларнинг назарида, «Мухбир келяпти!» дейилганида ҳамма тик туриб қарши олиши, мухбирнинг хурматини жойига қўйиши керак. Илгари шундай бўлганди. Москвадан мухбир келармиш, дейилса, дарров йўлларга сув сепиб, супирилиб, салқин ғўшаларда базму жамшидга тайёргарлик кўриларди. Мухбир деганлари уч-тўрт кун роса маишат қилиб, сунгра нимага келганлигини ҳам унутиб гандираклаганича самолётга чиқиб кетаверарди.

«Правда—5» газетасининг шу йил 21 сонида эълон қилинган «Бировлар — буюк Туронни, бошқалар эса — буюк Россияни танлайди» сарлавҳали мақоланинг ёзилишига ўша яқин ўтмишдаги москвалик мухбирларга бўлган мулозаматни қўмсаш сабаб бўлганлиги сезилиб турибди.

Назаримда, мақола муаллифи Ирода Гусейнова тушган машина Ўзбекистон ҳудудида божхона ва ДАН ходимлари томонидан тўхтатиб, текширилган бўлса керак. Шундай бўлиши табиий, албатта. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Узга бир давлатга тегишли машина ҳеч кимнинг суровию суриштиришисиз бошқа мамлакат ҳудудида юраверса, «шаҳар бедарвоза эканда» деб ажабланса буларди. Ўзбекистонда эски толлар кесилиб кетганидан бехабар «Правда—5» мухбири эса ўзини карнай-сурнайлар билан кутиб олинишини орзу қилган бўлса керак. Илтифот кўрсатилмагач, кайфияти бузилиб кетган ва «хап-саними» деганча қўлидаги қаламини эгрича ишга солиб юборган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўзининг жанубий чегараларини мустаҳкамлашга мажбур бўлаётир. Афғонистон ва Тожикистон ҳудудидан мамлакатимизга гиёҳванд моддалар, қуроллароглар олиб кириш ҳоллари содир бўлаётганлиги ана шундай қатъий чоралар кўришга мажбур этмоқда. Сўнгги бир ярим йил мобайнида қўшни Тожикистондан республикамизга гиёҳванд моддалар олиб ўтишнинг 143 ҳолати қайд этилган. Жиноятчилардан 300 килограммдан зиёд заҳри қотил тортиб олиниб, йўқ қилиб ташланган. Бундан ташқари 1996 йил ва шу йилнинг беш ойи мобайнида 231,3 тонна маъдан ўғит, 60 тонна тамаки, 24 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 80 тонна озиқ-овқат ва 7 мингдан зиёд майда мол Тожикистонга олиб ўтиб кетилаётганида божхона ва ички ишлар ходимлари томонидан ушланган.

Қўшнинг тинч — сен тинч, дейдилар. Қўшни нотинч бўлса, сен ҳам безовта бўлаверар экансан. 1997 йил 15 февралда Фарғона вилоятидаги «Равот» бежхона постини Тожикистон томонидан номаълум шахслар ўққа тутдилар. Оқибатда уч нафар божхона хизматчиси ярадор бўлди. Шу йил 29 апрелда «Наманган — Тошкент» йўналиши бўйича кетаётган «Татра» маркали автобусга Ленинобод вилояти ҳудудида қуролли ҳужум уюштирилиб, 45 йўловчи босқинчилар томонидан таланди.

Афсуски, бундай нохуш мисоллар анчагина. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ҳукумати республикадаги ғараз борлиги мақолада акс этиб турибди. Унда «Ўзбекистон томонининг айби билан «Душанбе-Тошкент» авиарейси тўхтатилиб қўйилган» дейилади. Бизга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси масъул ходимлари «Экспертларимиз Душанбе аэропортининг шарт-шароитлари ва хавфсизлигини текшириб, рейсни ҳозирча йўлга қўйиб бўлмайди, деган хулосага келганлар» деган жавобни айтдилар. Тўғрида, қани айтингчи, нотинч шаҳарга ўзининг ва йўловчиларнинг жонини хатарга қўйиб ким ҳам учишни истайди?

Хуллас, ҳеч қандай асоссиз, уйқудаги одамнинг алаҳсирашига ўхшаган ушбу мақолани эътиборсиз осойишталикни сақлаш мақсадида жиддий чоралар кўрмоқда. Қани энди, Тожикистонда ҳам тезроқ тинчлик, осойишталик ўрнатилса-ю, икки қардошқондош халқ бир бири билан дўстона алоқаларини тиклаб олса. Бизнинг ниятимиз ана шундай.

Аммо, «Правда—5» мухбири Ирода Гусейнованинг кўнглида қолдириш мумкин эди. Бироқ Ўзбекистонда ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилган Иродахон опамиз бургага аччиқ қилиб қурпага ўт қўйвормоқчи бўлибдилар. Ким билади, балки мақсад ҳам айнан шундай, яъни кўрпага ўт қўйишдир. Ҳар ҳолда муҳтарама Гусейнова Москвадаги миллатлар ўртасига нифоқ солувчи империяпараст гуруҳларнинг тегирмонига сув қуйганлар. Йўқса, бор-йўғи 150 йўллик материалда «Самарқанд, Бухоро қадимий тожик шаҳарлари» деган жумлани уч бора такрорлаш шарт эдими?

Наҳотки, хоним БМТ аъзоси бўлган давлатларнинг чегаралари дахлсиз эканлигини билмасалар? Йўқ, биладилар. Ўзбекистоннинг бир шаҳрида арманлар яшаётган бўлса, уни «арман шаҳри» деб бўлмаслигини жуда яхши тушунадилар. Мисол учун, Москва мэри Ю.Лужков «Севастополь—қадимий рус шаҳри, уни ҳеч кимга бермаймиз» деб лоф ураура ҳеч нарсага эришолмаганлигини мухбир яхши билади. Билади-ю, беихтиёр яна ўша шовинистик қўшиққа жўр бўлаверади.

Ўзбегу тожик халқларининг дўстлиги жуда кўп синовларга бардош бериб, ҳар гал тобора мустаҳкамланиб, янги қирралар кашф этиб бормоқда. Ўзбекистон ҳукумати қўшни республикада тинчлик ўрнатилишини, муаммолар тинч йўл билан ҳал этилиши зарурлигини ҳамиша таъкидлаб келаётир. Шу билан бирга Тожикистоннинг ички ишларига аралашмаган ҳолда қўшни халққа мунтазам гуманитар ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбегу тожик фақат Самарқанду Бухородагина эмас, балки бутун Туркистон ҳудудида қадим-қадимлардан ёнма-ён аҳил-иноқ яшаб келган халқлардир. Ҳар икки давлатда ўзбегу тожик аралашиб кетган минглаб оилалар яшайди. Қуда-андачиликда тожикнинг ўзбекдан кўра яқинроқ биродари йўқ. Бу икки халқ ўртасига нифоқ солишга уринаётган «Правда—5»нинг қитмирлиги ҳаммага аён. Бу газета русу белорусь, русу украин яқинлашса гулдирос қарсаклар билан олқишлайди, бошқа миллатларни эса бир-бирига гиж-гижлайди. Ирода Гусейнова ҳам ана шу империяпарастлар оркестрининг бир нағмачисидир. У қўлига берилган нотага қараб оҳанг қилади, холос.

Ҳа, ғайр одам қўшнининг оромини бузишдан роҳатланади, деб бекорга айтилмаган экан.

Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 17-iyun, seshanba № 70 (22.154).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЖАРАЁН ДАРДЛАРИ

Муносабат

Адабиёт учун кечаги кун тарихга айланади. Ўтаётган кун жараён саналади. Жараён эса ўз бўй-бастини кечаги кунга қараб белгилайди. Яхши ўзгаришлардан қувонади, қусурларидан қайғуради. Ҳозирги ўзбек адабиётининг қувончлари бисёр бўлганидек, қайғулари ҳам бир дунё. Қувончи шундаки, у мустабид мафкура қолипларидан

1

шаклда, хоҳлаган «изм»да ифода этиш эркинлигига эришди. Хуллас, унинг бахтиёрлиги беҳад...

Бироқ муаммолари ҳам бир дунё. Аввало, у аввалгидай жамият аҳлини ўзига жалб этолмай қолди. Ўқувчилари сафи кун сайин сийраклашиб кетмоқда. Одамлар шеъриятга, наср намуналарига эътиборсиз, лоқайд бўлиб қолмоқда. Энг китобхон дея эътирофланган халқ бу гўзал хусусиятидан борган сари узоқлашиб кетмоқда. Ёш авлод мактабда тиришиб ўқиш, олий ўқув юртларига кириб таҳсил олиш — китоблар дунёсида кезиш

2

нини ўқимай қўйди.

Моҳияти инсоншунослик бўлган адабиёт бугун кимни ибрат қилиб кўрсатишни билмай қўйди. Жараён ҳам газета-журналларда ўрнак қилиб кўрсатилаётган тадбиркору ишбилармонларни мақташга тортиниб турибди. Чунки айримларнинг нафсдунё илинжидаги макрлари сал фурсат ўтмай ошкора бўлиб қолмоқда. Ана шу тоифадаги «замона қаҳрамонлари»нинг чинакам қиёфасини яратишга, рости жараённинг қурбу қуввати етмаяпти. Шунинг учун элнинг заҳматли меҳнати билан яратилган мулкларни хусусийлаштириб олаётган баъзи тадбиркор, ишбилармон ниқобидаги олғир-қаллобларнинг ҳаётий образини кўрсатган бирор бир жиддий йирик асар майдонга келмаяпти. Адабий жараёнда эса жамиятдаги ана шу ўзгаришларга таҳлилий муносабат кўринмаяпти. Тўғрироғи, қалам аҳлининг бу хусусда очиқ-ошкора ёзишга журъати етишмаяпти. Бу, эҳтимол, журъатсизлик эмас, ҳафсаласизлик ёки ўзгаришлар қаршисида гангиб қолиш таъсиридир...

Хуллас, жараённинг оғриқлари, тўғрироғи, ўқувчининг ундан кутадиганлари ортганинги ўрнига бозорга сингиб бормоқда. «Китоб ўқиш қозон қайнатадиган иш эмас» деган ақида кенг ёйилмоқда. Бунинг таъсирида худбинлик кайфияти авжланмоқда.

«Элга келган тўй» деб қаралаётган бу каби оғриқлардан бўлак адабиётнинг ўз ички касалликлари ҳам кучайди. Аввало, ижодкор аҳли меҳнатига эътибор аёвсизларча пасайди. Тирикчиликнинг тошдан қаттиқ қийинчиликларига чидаб, асар битган қаламкаш китобини чиқаролмасдан қолди. Оқибатда, адабий даре ўзани аввалгидай тўлиб-тошиб оқмай қўйди. Нашрлар адади кескин камайди. Икки ойда зўрга бир марта чиқадиган адабий-бадиий журналлар саҳифаларида кўнгил тортар асарлар йилда бирда-ярим пайдо бўлиши ҳам катта гап бўлиб қолди.

Адабий жараёнда бу каби кўпдан-кўп оғриқлар пайдо бўлиши эса бир қатор сабаблар билан боғлиқ. Бош сабаб, албатта, одамларнинг ўзи, уларнинг дунёқарашидаги ўзгаришлар. Улар ҳозир ҳар бир ҳодисага нақд шахсий манфаатдорлик нуқтаи назаридан ёндашиш касаллигига чалинишди. Бу худбинона кайфият қалам аҳлини ҳам ўз қобиғига қамраб олди. Бир ижодкор бошқа бир қаламкашнинг битганидан ортиб бормоқда. «Оққан даре оқади» дейишганидай, зора, ўқувчиларнинг жараёндан кутганлари тез орада рўёбга чиқса... Адабий даре ўзани яна тўлиб-тошиб оқса... Унинг мавж тўлқинлари кишиларни маҳлиё қилса... Бироқ, тарих кўпдан-кўп оққан дарёларнинг оқмай қолганидан қум босиб, текисланиб кетганига ҳам гувоҳ. Жараён ўтмишнинг ана шу аччиқ ҳақиқатларини ўйлаганида вужудидаги оғриқлари янада зўраяди. Мендан келажакка нималар қолар экан, деб азоблана бошлайди.

Абдулла УЛУҒОВ.

3

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ БЎЙЛАБ

Пойтахт яқинидаги мовий кенглик бўйлаб эшкак эшувчиларнинг қизиқарли мусобақалари ташкил этилди. Узбекистон очиқ чемпионатида вакилларимиз қатори Қозоғистон ва Покистондан келган спортчилар ҳам иштирок этишди. Барча масофаларда юртдошларимизнинг қўллари баланд келди. Бир кишилик байдаркада эшкак эшган Андрей Шилкин (Тошкент)нинг 500 ва 1000 метрли масофаларда қўлга киритган ғалабаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

ОЛТИН-У КУМУШ

Иркутск шаҳрида чарм қўлқоп усталарининг халқаро мусобақаси бўлди. Юртдошларимиз бу мусобақада биринчи марта иштирок этишларига қарамай, буш келишмади. Жумладан, урганчлик Алишер Раҳимов билан Темур Иброҳимов, Тошкент вилоятидан Фарҳод Бакиров ҳамда тошкентлик Ян Кульков олтин нишон соҳиблари бўлдилар. Яна бир боксчимиз Қайрат Бойсунқуловга кумуш нишон насиб этди.

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Эртага биринчи лига футбол жамоалари ўртасида 15-тур ўйинлари бўлади. 14-тур учрашувларида эса мухлислар пешқадам бўлиб турган «Темирйўлчи» жамоасининг сафарда «Лочин» футболчилари билан беллашувига қизиқиш билан қарадилар. Бу ўйинда майдон эгалари 5:1 ҳисобида устун келиб, 28 очко билан мавқеларини мустаҳкамлашди. «Темирйўлчи» 33 очко билан олдинда бормоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Машъал» сафарда «Металлург» жамоасидан енгилиб (2:4), бир поғона пастлашга мажбур бўлди. Шунингдек, «Гулистон», «Қизилқум» ва «Металлург» футболчилари ҳам мавқеларини мустаҳкамлашди.

Спорт

БИРОВ ЙЎҚОТАР, БОШҚАСИ ТОПАР

Яна тўрт тур ўйинларидан кейин олий табақа футбол жамоалари чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларига якун ясалади. Ҳозир эса ҳар бир жамоа ўнгланиб олиш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда. Чунончи, «Сурхон» футболчиларининг «Зарафшон» жамоасидан устун (4:1) келишлари кўпчиликни мамнун этди. МҲСК футболчилари дуранг ёки мағлубият нималигини билмай шиддат билан одимлашмоқда. 13-тур ўйинларида эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Бухоро»—«Янгиер» — 4:0, «Трактор»—«Пахтакор» — 1:1, «Хоразм» — «Навбаҳор» — 0:0, «Косонсой»—«Насаф»—1:0, «Атласчи»—«Дўстлик»—1:2, МҲСК — «Чилонзор» — 2:1, «Нефтчи» —«Андижон» — 6:1, «Суғдиёна» — «Афросиёб» — 1:0.

Театр ва томоша

«ЧИМИЛДИҚ», «ИБЛИС ҚИССАСИ» ВА БОШҚАЛАР

Кинонинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда шуни айтиш керакки, одамлар ўртасида фалон спектаклни кўрдим, бош ролни пистончи ўйнабди, деган гаплар юради. Шундан бўлса керак, айрим актёрларни ўзи ўйнаган спектаклсиз тасаввур этиш қийин. Хусусан, Шукур Бурҳоновни «Қиёмат қарз», Аброр Ҳидоятовни «Отелло», Обид Юнусовни «Парвона»сиз ким кўз олдига келтира олади.

Фарғонада ёш драматург Эркин Хушвақтовнинг «Чимилдиқ» асарининг саҳнага олиб чиқилиши ўзига хос воқеа бўлди. Режиссёр Мунаввара Абдуллаева, рассом Бахтиёр Тўраев, артистлар Ёркиной Ҳотамова, Аҳмаджон Акрамов ва Гулнора Қодировалар ҳамжиҳатлик билан қилинган меҳнатидан мухлислар мамнуният ҳосил қилишмоқда.

Жиззахдаги Юнус Ражабий номли вилоят мусиқали драма театри жамоаси Комил Аваз қаламига мансуб «Телбалар» комедиясини саҳналаштирди. Қашқадарёда эса Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номли вилоят мусиқали драма театри саҳнасида Иброҳим Содиқовнинг «Иблис қиссаси» асари қўйилди. Асарни саҳналаштиришда режиссёр Музаффар Тўрақулов, бастакор Ҳазратқул Амирқулов, актёрлардан Ҳусан Амирқулов, Одил Исмоилов, Йўлдошали Раҳимов, Жавлон Бўриев, Ҳуррият Исроиловалар иштирок этганлар. Ҳақиқатнинг қарор топиши ҳақидаги бу томоша мухлислар эътиборида турибди.



ХАЁЛ ОҒУШИДА. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

БОЛА АЗИЗ...

Юртимиз шаҳар-қишлоқларида маданият ва санъатга оид турли тадбирлар уюштирилмоқда. Мақсад одамлар буш вақтини мазмунли ташкил этиш, маданий ҳордиқ чиқаришни таъминлашдан иборат. Хусусан, Хоразмнинг Янгибозор туманидаги 13-ҳунар техника лицейида ҳам қизиқарли тадбир уюштирилди. «Инсон одоби билан гўзал» мавзусига бағишланган кеча кўпчиликка маъқул келди. Қишлоқ отахонлари, табаррук онахонлар бола тарбияси, турмуш икир-чикирлари хусусида фикрлашдилар. Савол-жавоблар ҳам ўзига хос баҳса айланди. Шунингдек, Когондаги 11-ҳунар техника билим юртида «Ошпазлик касби-корим», Олотдаги 4- ва 29-ҳунар лицей мактабларида «Юртим менинг Бухоро» деб номланган ёшлар беллашуви ҳам эсда қоларли воқеаларга бой бўлди.

Фотима ЖУМАЕВА.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0361

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди - 20.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

КЎҲНА ШАҲАРГА САЁҲАТ

Ёшларни тарбиялаш, маънавий фазилатларини камол топтириш, Ватанга муҳаббат ҳиссини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

Яқинда Тошкент авиация коллежининг бир гуруҳ аълочи ва жамоатчи талабалари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат қилдилар.

Талаба ёшларнинг онгида она-Ватанга муҳаббат, унинг буюк ўтмишига ҳурмат каби ҳислатларни тарбиялаш, уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар билан таништириш мақсадида амалга оширилган ушбу саёҳатга коллеж маъмурияти ва «Эверист турсервис» туристик фирмаси яқиндан кўмаклашди. Саёҳат давомида талабаларга ҳамроҳ бўлган «Эверист турсервис» фирмасининг ходимаси — экскурсовод Зулфия Каримованинг мароқли ва қизиқарли ҳикоялари ёшлар қалбида аждодларимизнинг ақл-заковати, жасорати, улар қолдирган маънавий меросининг нақадар буюклигига яна бир бор ишонч уйғотди.

Бегмамат ЁРОВ.

Тадбиркор ва ишбилармон жаноблар диққатига!

Ўзбекистон — Россия — Швейцария

"ШОШТРАНС"

қўшма корхонаси акционерлик жамияти

Барча турдаги юкларингизни манзилига аниқ ва бешикаст етказиб беради. Ҳамма турдаги юкларни сақлайди ва божхонада ҳужжатларингизни расмийлаштириб беради. Бунинг учун корхонанинг "Тошкент" товар станциясида ҳар бири 350 кв. метрли 2 та, жами 700 кв. метрли ёпиқ омборлари мавжуд. Бундан ташқари, Бухоро-2 станциясида ҳам 700 кв. метрли ёпиқ омбор бор.

Ўзбекистоннинг Қўқон, Бухоро, Термиз шаҳарлари, Туркманистоннинг Ашгабат, Қозоғистоннинг Алмати шаҳарларида ҳам юкларни вагонларга ҳамда контейнерларга ортиш бўйича филиаллар ташкил этилган. Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро вилоятларида тегишли равишда Марғилон, Андижон, Ахтачи ва Бухоро-2 филиаллари ташкил этилди.

Йирик тоннали контейнерларни қабул қилувчиларнинг ва юк жўнатувчиларнинг омборларига етказиб бериш учун автотранспорт иши йўлга қўйилган.

Мурожаат учун манзил:

Марказий офис — Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7. Телефонлар: 33-79-07, 59-57-09. Факс: 56-45-98.

"Шумилов" станциясидаги офис: Тошкент шаҳри, Чуқурсой кўчаси, 82. Телефонлар: 48-56-84, 48-17-03, 48-22-20.

«Гулфам - Хасан» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ** Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент вилояти Паркент шаҳар 8-ўрта мактаб томонидан 1994 йил 20 июнда Собиров Бахтиёр Миртўраевичга берилган аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**